

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-8
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

**“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси”
(Муҳандислик графикаси)**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Қайта тайёrlаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев.

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц.
М.Дехканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов.

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Мутахассислик фанлари” модули: п.ф.н., доц. П.Адилов, доц.
Н.Ташимов, п.ф.н., доц. М.Мамаражабов.

Тақризчилар:

доцент Н.Э.Ташимов - ТДПУ, “Муҳандислик графикаси ва уни
ўқитиши методикаси” кафедраси мудири.

Хорижий эксперт: PhD доктори Франк Лапер - Ponter de Parij
№10 университети (Париж).

*Ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг қарори
билин тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил 27 августдаги 1/3.б.-сонли баённома).*

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш,

вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

3.1. Мухандислик графикаси фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари.

3.2. Яққол тасвирлар қуриш назарияси.

3.3. Мухандислик графикаси фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойихалаш.

3.4. Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

-“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (Муҳандислик графикаси)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

-“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (Муҳандислик графикаси)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс яқунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- олий таълим муассасаларида ўқитиладиган муҳандислик графикаси фанларининг турли соҳаларга мос мазмун ва моҳияти, унинг ривожланиши, инновацияларини;

- чизма геометрия, муҳандислик графикаси, муҳандислик компьютер графикаси, машинасозлик чизмачилиги, архитектура-қурилиш чизмачилиги, топографик чизмачилик фанларининг ўқитилишига бўлган эҳтиёж ва уларнинг ютуқларини;

- муҳандислик графикаси фанларининг турли соҳа ва мутахассисларга мос фундаментал ва амалий муаммолар ва уларнинг татбиқига қаратилган инновацион ғоялар ва ечимларни;

- ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш ишларида муҳандислик графикаси фанлари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, янгиликлар ва уларнинг тараққиёти, истиқболларини;
- узлуксиз таълим тизимида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида график таъминотнинг замонавий стратегияларини;
- яққол тасвир қуриш усуллари, яққол тасвиirlарнинг монопроекциялигини;
- яққол тасвиirlар қуришдаги шартлилик ва табиийлик ҳолатларини;
- муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларининг ўзига хос хусусиятлари, мазмун ва моҳиятини;
- касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- ишлаб чиқаришда асосан буюмнинг ортогонал проекциясидан кенг фойдаланиш;
- буюмнинг яққол тасвирини бажариш;
- яққол тасвиirlар қуриш назарияси фани уч ўлчамли фазодан икки ўлчамли текисликка, ва аксинча, икки ўлчамли текисликдан уч ўлчамли фазога кўчиши ҳамда уни чизиш;
- буюм аксонометриясида шахсий ва тушувчи сояларни аниқлаш;
- техникавий расм, техник расм ва аксонометриянинг боғлиқлиги, техник расмда ўқларни танлашда ўнақай ва чапақай усуллар, буюмнинг техник расмини пардозлаш;
- муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида фанлар интеграциясини ҳисобга олиш;
- чизмаларни компьютер воситасида бажариш, буюмларни лойиҳалаш, уларни таҳрирлаш;
- икки ўлчамли чизмаларни чизиш, уларни таҳрирлаш ва нашрга чиқариш;
 - Уч ўлчамли жисмларни моделларини ясаш, уларни таҳрирлаш;
 - педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш
 - танланмалар ва гипотезаларни шакллантириш
 - электрон жадваллар ва статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш **қўнималарига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- буюм ва объектларнинг аксонометрик проекциясини, техникавий расмини ва перспектив тасвирини қуриш;
- уч ўлчамли фазода жойлашган буюмнинг икки ўлчамли текислик ёки сирт устида тасвирлаш усуллари ва қиёсий таҳлил қилиш;
- аксонометрик проекциялар, аксонометриянинг асосий теоремасидан фойдаланиш;
- перспектива (марказий проекциялаш), тасвир қуриш усуллари, оддий геометрик шакллар орасидаги позицион ва метрик муносабатларни текшириш;
 - марказий проекциялашга талабалар адаптациясини тезлаштириш;
 - перспектива қоидаларини расм чизишида амалиётга тадбиқ этиш;
 - объект перспективасида шахсий ва тушувчи сояларни аниқлаш;
 - ўқитишида умумий ва хусусий методикаларни ҳисобга олиш;
 - педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилишдаги замонавий ёндашувлар, методлар ва воситалардан фойдаланиш;
 - педагогик тадқиқотларда статистик методлардан ўз тадқиқотларида фойдаланиш;
 - тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлар ёрдамида статистик ва корреляцион таҳлилни ўтказиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- олий таълимда муҳандислик графикаси фанларини ўқитиши жараёнида инновацион муҳитни яратиш;
- яққол тасвирларнинг таркибига кирувчи аксонометрик проекциялар, техникавий расм ва перспектив тасвирларнинг қиёсий таҳлили ва уни ўзаро фарқлаш, ўхшашликларни таҳлил қилиш;
- ўзгариш коэффициентлари ва проекциялаш бурчаги, қийшиқ ва тўғри бурчакли аксонометриялар, стандарт аксонометрятлар, изометрия, диметрия, триметрия, мақсадга мувофиқ аксонометрия турини танлаш, аксонометрик проекцияларда позицион масалалар ечиш;
- муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойихалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш;
- икки ва уч ўлчамли моделларини бажаришда замонавий AutoCAD, Компас-3D (АСКОН), NanoCAD (Нанокад) ва шу каби дастурлари имкониятларидан фойдаланиш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методларни ўз тадқиқотларида қўллаш;

- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларга статистик функцияларини киритиш ва натижалар таҳлилини ўтказиш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака оширишнинг бевосита шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчилариiga Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ТАСВИРИЙ САНЬАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ (МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ)” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модули тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиши.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳукуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши қурашишнинг ҳукуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий професионаллиги ва уни инновацион

фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

П. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани

коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Муҳандислик графикаси фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари

Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган муҳандислик графикаси фанларининг турли соҳаларга мос мазмун ва моҳияти, унинг ўрни, ривожланиши, инновациялари.

Олий таълим мутахассислиги ва соҳаларга оид янгиликлар, уларда ўқитиладиган фанларнинг интеграциялашувидан юзага келган ва шу соҳаларга мос чизма геометрия, муҳандислик графикаси, муҳандислик компьютер графикаси, машинасозлик чизмачилиги, архитектура-қурилиш чизмачилиги, топографик чизмачилик фанларининг ўқитилишига бўлган эҳтиёж ва уларнинг ютуқлари.

Муҳандислик графикаси фанларининг турли соҳа ва мутахассисликларга мос фундаментал ва амалий муаммолар ва уларнинг татбиқига қаратилган инновацион ғоялар ва ечимлар. Ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш ишларида муҳандислик графикаси фанлари доирасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, янгиликлар ва уларнинг тараққиёти, истиқболлари. Узлуксиз

таълим тизимида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида график таъминотнинг замонавий стратегиялари.

3.2. Яққол тасвиirlар қуриш назарияси.

Ишлаб чиқаришида асосан буюмнинг ортогонал проекциясидан кенг фойдаланиш. Буюмнинг яққол тасвирини бажариш. Яққол тасвиirlар қуриш назарияси фани уч ўлчамли фазодан икки ўлчамли текисликка, ва аксинча, икки ўлчамли текисликдан уч ўлчамли фазога кўчиши ҳамда уни чизишнинг назарий асослари.

Яққол тасвиirlарнинг таркибига кирувчи аксонометрик проекциялар, техникавий расм ва перспектив тасвиirlарнинг қиёсий таҳлили ва уни ўзаро фарқлаш, ўхшашликларни таҳлил қилиш. Буюм ва объектларнинг аксонометрик проекциясини, техникавий расмини ва перспектив тасвирини қуришнинг назарий асослари.

Уч ўлчамли фазода жойлашган буюмнинг икки ўлчамли текислик ёки сирт устида тасвиirlаш усуллари ва қиёсий таҳлиллари. Яққол тасвиir қуриш усуллари, яққол тасвиirlарнинг монопроекциялиги. Яққол тасвиirlар қуришдаги шартлилик ва табиийлик ҳолатлари.

Аксонометрик проекциялар, аксонометрияниң асосий теоремаси. Ўзгариш коэффициентлари ва проекциялаш бурчаги, қийшиқ ва тўғри бурчакли аксонометриялар, стандарт аксонометряталар, изометрия, диметрия, триметрия, мақсадга мувофиқ аксонометрия турини танлаш, аксонометрик проекцияларда позицион масалалар ечиш, буюм аксонометриясида шахсий ва тушувчи сояларни аниқлаш усуллари.

Техникавий расм, техник расм ва аксонометрияниң боғлиқлиги, техник расмда ўқларни танлашда ўнақай ва чапақай усуллар, буюмнинг техник расмини пардозлаш усуллари. Перспектива (марказий проекциялаш), тасвиir қуриш усуллари, оддий геометрик шакллар орасидаги позицион ва метрик муносабатларни текшириш усуллари, марказий проекциялашга талабалар адаптациясини тезлаштириш имкониятлари, перспектива қоидаларини расм чизишдаги амалий татбиқлари, объект перспективасида шахсий ва тушувчи сояларни аниқлаш назарияси

3.3. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишининг инновацион муҳитини лойиҳалаш.

Олий таълимда муҳандислик графикаси фанларини ўқитиши жараённида инновацион муҳитни яратиш муаммолари. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларининг ўзига хос хусусиятлари, мазмун ва моҳияти. Ўқитишида умумий ва хусусий методикаларни ҳисобга олиш. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория

машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида фанлар интеграциясини ҳисобга олиш.

Чизмаларни компьютер воситасида бажариш, буюмларни лойиҳалаш, уларни таҳрирлаш. Икки ва уч ўлчамли моделларини бажаришда замонавий AutoCAD, Компас-3D (АСКОН), NanoCAD (Нанокад) ва шу каби дастурлари имкониятларидан фойдаланиш.

Икки ўлчамли чизмаларни чизиш, уларни таҳрирлаш ва нашрга чиқариш. Уч ўлчамли жисмларни моделларини ясаш, уларни таҳрирлаш.

3.4. Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари

Касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос ҳусусиятлари. Педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувлар. Педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш методлари. Педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилиш усуллари. Педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш қоидалари. Танланмалар ва уларнинг турлари. Педагогик тадқиқотларда танланмалар хажми. Гипотеза ва уни шакллантириш. Гипотезаларни текшириш мезонлари. Корреляцион таҳлил ва унинг турлари.

Педагогик тадқиқотларга информацион ёндашувлар, тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлари, “Педагогик статистика” дастури ва унинг имкониятлари. Корреляцион таҳлил алгоритми. Электрон жадваллар ва Статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустакил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли қарори.

III. Махсус адабиётлар

21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

22. Гулобод Құдратуллоқ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Аңъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

23. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

24. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

25. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
26. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; Министерство образования и науки РФ УрФУ, 2017. – 128 с.
27. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
28. Рўзиев Э.И., Аширбоев А.О., “Муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси”. –Т.: «Фан ва технология», 2010.
29. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.
30. Современные образовательные технологии в учебном процессе вуза: методическое пособие / авт.-сост. Н. Э. Касаткина, Т. К. Градусова, Т. А. Жукова, Е. А. Каракина, О. М. Колупаева, Г. Г. Солодова, И. В. Тимонина; отв. ред. Н. Э. Касаткина. – Кемерово: ГОУ «КРИРПО», 2011. – 237 с.
31. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
32. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
33. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика назарияси (Дидактика): Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2011. - 420 б.
34. Ядгаров Н.Д. Чизма геометрия: дарслик/Н.Ядгаров.–Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2019.-236 б.
35. Ядгаров Н.Д. Чизмачилик: дарслик/Н.Ядгаров.–Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2019.-116 б.
36. Ядгаров Н.Д., Собиров Т.Р. Геометрик чизмачилик: ўқув қўлланма/Н.Ядгаров.–Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2019.-144 б.
37. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
38. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
39. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
40. Mitchell H.Q., Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
41. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
42. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

IV. Интернет сайтлар

43. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
44. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
45. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
46. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
47. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“___” _____ 2020 й.
М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш ҳамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____
Ф.Т.Эсанбобоев
“___” _____ 2020 й.
М.Ү.

Тошкент давлат педагогика университети
Ректор _____ А.Ю.Умаров
“___” _____ 2020 й.
М.Ү.

Тошкент давлат педагогика университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази

Директор _____ Н.А.Муслимов
“___” _____ 2020 й.
М.Ү.